Бу муносабатлар иккиламчи чулгамни характерловчи катталикларнинг бирламчи чулгамга келтирилган кийматларни билдиради. Бу тенглама асосида трансформаторнинг алмашиш схемасини хосил кила миз. Бу схема келтирилган трансформаторнинг эквивалентсхемаси де йилади ва трансформатордаги электрмагнит жараёнларни, электр катталиклар ёрдами билан тахлил этиш имконини тугдиради. (58-расм).

Энди трансформаторнинг киска туташ режимини куриб чикамиз. Бу режимда трансформаторнинг иккиламчи чулгами киска туталган булиб, унинг тула комплекс каршилиги нолга тенгдир.

Иккиламчи чулгам киска туталган холда, шу чулгамдан оқаётган ток номинал кийматга эга булган бирламчи чулгам кучланиш кийматини, киска туташ кучланиши дейилади ва харфи билан белгиланади. Киска туташ кучланиши трансформаторнинг асосий техникавий ха рактистикаларидан биридир ва бирламчи кучланишнинг номинал кий матини (5-15%) ташкил килади. Умуман олганда киска туташ режими, бу авария (шикаста) режим булиб, бунда ток номинал кийматга нисбатан 10-20 марта ошиб кетади. Лекин трансформаторнинг кувват исрофини ва бошка бир катор трансформаторни ишлатиш учун керак катталик ларни хисоблаш учун, киска туташ режимининг кучланиши ва бу ре жимдаги кувват исрофи албатта керак.

Бу режимда иккала чулгамдаги тоklar номинал булгани учун ваттметр (59-расм) улчаб олинадиган кувват, чулгам урамларининг кизитишига сарфланган исроф кувватдир. Урамлар мис симлардан бажа рилгани туфайли бу исрофни трансформаторнинг мисдаги исрофи дейилади ва бу катталик трансформаторнинг номинал кувватини (1-3%) ташкил килади ва куйидаги формула асосида аникланиши мумкин:

Н а з о р а т с а в о л л а р и.

1. Салт ишлаш режими тажрибаси нима учун килинади?
2. Салт ишлаш режимида нима аникланади?
3. Чулгамларни улашлари нимани узгартиради?
4. Нима учун феромагнит мматериал кулланилади?
5. Нагрузкали режим нима учун килинади?

Т а я н ч и б о р а л а р .

Юклама - истеъмолчиларнинг йигилмаси ёки барча турдаги энергияни истеъмол килувчи истеъмолчилар.

ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ИШЛАШ КОНУНИЯТЛАРИ ВА
ВЕКТОР ДИАГРАММАЛАРИ.

Р Е Ж А.

1. Трансформатор чулгамларида хосил буладиган асосий электр юритувчи кучлар.
2. Трансформаторларнинг салт ишлаши.
3. Трансформаторнинг юклама билан ишлаш режими.
4. Трансформаторларнинг киска туташуш шароитда ишлаши.
5. Юклама билан ишлаётган трансформаторнинг вектор диаграммаси.
6. Уч фазали трансформаторлар.
7. Автотрансформаторлар.
8. Трансформаторлар чулгамларининг уланиш гуруҳлари.

Фойдаланилаётган адабиётлар:

1. Китаев В.Е. ва бошқалар "Электр машиналар ва трансформаторлар" "Укитувчи", Т. 1984 йил.
2. Мажидов С.М. " Электр машиналар ва электрик юритмалар" "Укитувчи", Т. 1982 йил
3. Ибрахимов У "Электр машиналари" "Укитувчи" Т. 1982 йил
4. Вольдек А.И. "Электрические машины" "Высшая школа", М. 1979 год.

Энди уч фазали трансформаторларни куриб чикайлик. Уч фазали трансформаторларнинг уч узаги булиб, буйинтурук оркали туташтирилган ва бу узаклар ягона электромагнит занжирни ташкил этади. Хар бир узакда иккита, бирламчи ва иккиламчи чулгамлар жойлаштирилган. Бирламчи ва иккиламчи чулгамлар юлдузча ёки учбурчак усулла рида уланиши мумкин. Бирламчи чулгамни улаш усули тармок кучланиши билан аникланади. Иккиламчи

чулгамнинг улаш усули истеъмолчининг номинал кучланиши билан аникланади. 60 -расмда куч трансформатор ларида кенг кулланиладиган бирламчи ва иккиламчи чулгамлар юлдузча усулида уланган уч фазали трансформатор курстилган. Бу пасайти рувчи трансформатор булиб, бирламчи 10кВли чулгам юкори кучланишли тармокга уланади. Иккиламчи чулгами эса паст кучланишли тармокга уланади. Паст кучланишли чулгамнинг нейтрал сими чикарилади. Демак, паст кучланишли томонда фаза ва линия кучланишлари бор. Бу расмда

X, Y, Z харфлар билан юкори кучланишли чулгамлар мос равишда тугаш учлари белгиланган.

Юкорида трансформаторларидан куп сохаларида, хар хил максадларда фойдаланилишини айтиб утган эдик. Шу сохалардан бири юкори кучланишли тармокларда электр катталикларни трансформаторлар ёрдамида улчашдир. Юкори кучланишли тармокларда ток, кучланиш, кувват ва электр энергиясини улчашда, хафсизликни таъминлаш ва улчов асбобларини улчаш чегараларини ошириш максадида икки хил улчов трансформаторлари кулланилади. Биринчиси, бу ток трансформаторлари булиб, улчаш хатоликнинг камбулиши учун бу трансформаторнинг каршилиги иложи борица кам булиши керак. Иккиламчи чулгамнинг карши лиги улчаш жараёнида киска туташ режимига якин. Трансформациялаш коэффициенти узгармас булиши лозим:

$$K_I = \frac{W_2}{W_1} = \frac{I_1}{I_2} = const$$

61 -расмда ток трансформаторининг юкори кучланишли тармокга улаш схемаси курсатилган. Бирламчи W1 чулгам истеъмолчи билан кетма-кет уланган. Юкори кучланишли тармокнинг токи куйидаги формула асосида аникланади:

$$I_1 = KI_2$$

Ток трансформаторни иккиламчи чулгамига амперметрдан ташкари ваттметр ёки электр энергиясини хисобловчи асбобнинг ток чулгами уланади.

Иккинчи хил улчаш трансформаторлари кучланиш трансформаторлари дейилади. Трансформациялаш коэффициенти узгармас булади:

$$K_v = \frac{W_2}{W_1} = \frac{I_2}{I_1} = \cos \phi$$

Кучланиш трансформаторларини иккиламчи чулгамига вольтметрдан ташкари электр энергиясини хисобловчи асбоб кучланиш чулгамига уланади. 62-расмда бу трансформаторларнинг улаш схемаси берилган. Бирламчи чулгам истеъмолчи билан параллел уланган булиб, юкори кучланишли тармокнинг кучланиши куйидаги формула асосида аникланади:

$$I_1 = KI_2$$

Бир катор холларда автотрансформаторлар ҳам кулланилади. Агар трансформаторларда бирламчи ва иккиламчи чулгамлар орасида факат магнит боғликлик булса, автотрансформаторларда чулгамлар орасида электр боғликлик булиб, иккиламчи чулгам бирламчи чулгамнинг бир кисмидир. 63 - расмда лабораторияда кулланиладиган автотрансформатор курсатилган. Трансформаторлаш коэффициенти бу ерда аввалгидек куйидаги ифодадан аникланади:

$$K = \frac{E_1}{E_2} = \frac{W_1}{W_2}.$$

Махсус мослама ёрдами билан иккиламчи чулгамнинг урамлар сони W_2 , демак кучланиши узгартирилиши мумкин.

Энди трансформаторларнинг таърифланадиган катталикларининг характеристикаларини куриб чикамиз. Трансформаторларни ишлатиш учун бир катор катталиклар маълум булиши керак. Бу катталиклар аввало салт юриш ва киска туташ режимларини характерлайдиган катталиклар, яъни ΔP_0 - салт юриш кувват исрофи,

ΔI_0 - салт юриш токи, номинал токдан фоиз хисобида берилади

ΔP_{0T} - киска туташ кувват исрофи

I_{KT} - киска туташ кучланиши, номинал кучланишдан фоиз хисобида берилади.

Бундан ташкари трансформаторлар чулгамларини улаш схемаси (юлдузча ёки учбурчак) номинал токлари ва кучланишлари, табиий ра вишда трансформаторларнинг номинал куввати берилади.

Трансформаторларнинг фойдали иш коэффициенти :

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} = \frac{P_2}{P_2 + \Delta P_0 + \beta^2 \cdot \Delta P_k} = \frac{\beta S_H \cos \varphi_2}{\beta S_H \cos \varphi_2 + \Delta P_2 + \beta^2 \Delta P_k}$$

Бунда : P_1 - трансформаторнинг тармок кутбларидаги кувват

P_2 - истеъмолчининг кутбларидаги кувват

$\beta = \frac{S_{ист}}{S_{ном}}$ - трансформаторнинг юкланиш коэффициенти.

Юкланиш коэффициенти - бу трансформаторнинг асосий курсатгичларидан бири булиб, нормал (номинал) режимида $\beta = 0,7 \div 0,85$ га тенгдир. Агар электр подстанциясидаги икки трансформаторнинг бири, кандайдир сабаблар билан ишдан чиқарилса, унда трансформаторнинг юкланиш коэффициенти $\beta = 1,2 \div 1,4$ гача кутарилиши мумкин. 64 -расмда трансформаторнинг ФИК юкланиш коэффициентининг боғланиш графиги курсатилган. Трансформаторларни лойихалашда юкланиш коэффициентига тенг булганда энг катта (максимал) ФИК таъминланади. Трансформаторларнинг максимал ФИК $\eta = 0,95 \div 0,97$

МАХСУС АСИНХРОН МАШИНАЛАР ТУГРИСИДА ТУШУНЧА.

Р Е Ж А .

- 1.Бир фазали асинхрон двигателлар
- 2.Бир фазали конденсаторли асинхрон двигателлар.
- 3.Уч фазали асинхрон двигателни бир фазали двигател сифатида ишлатиш.
- 4.Уч фазали регуляторлар.
- 5.Фазарегуляторлар.
- 6.Асинхрон частота узгартиргич.

Фойдаланилаётган адабиётлар:

- 1.Торонцев Н.Д. "Применение трехфазного асинхронного двигателя в однофазного включения". М."Энергия" 1982 год.
- 2.Хомидхонов М.З. ва бошқалар "Электр юритма ва уни бошқариш асослари". "Укитувчи" , Т.,1975 йил.
- 3.Иброхимов У "Электр машиналари" "Укитувчи" ,Т., 1972 йил

Биринчи вазифаси - механик энергияни электр энергияга айлантириш. Бу машиналар электр генератори дейилади. генераторларни ҳаракатга келтирадиган бирламчи механик энергия манбаи булиб, булар сифатида бугунги газ турбиналари, ички ёнув двигателлари(ма салан, дизель) хизмат қилади. Генераторлар асосан электр станцияларида ишлатилади.

Электр машиналарининг иккинчи иш вазифаси - электр энергиясини механик энергияга айлантириш. Бундай машиналар двигателлар дейилади. Двигателлар электр энергиясини механик энергияга айлантиради. Электр двигателлари халқ хужалигининг деярли ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади.

Генераторлар ишлаб чиқарадиган ёки двигателлар истеъмол қиладиган ток тури жихатидан, узгарувчан ток генератори ёки двигатели дейилади. Барча электр машиналари қайтувчанлик хоссасига эга, яъни қайтар жараёнида ишлай олади. Масалан, электр двигатели генератор режимида ва генератор эса двигатель режимида ишлаши мумкин. Бу параграфда узгарувчан электр машиналарининг бир хили асинхрон двигателларни қуриб чиқамиз.

Асинхрон двигателлар (А.Д.) электр энергиясини механик энергияга айлантирувчи ускунадир. У конструкциясининг соддалиги, арзонлиги, ишда ишончлилиги сабабли саноат, қишлоқ хужалиги ва халқ хужалигининг барча соҳаларида кенг қулланилади. Хар қандай электр машиналари қабил А.Д. қабил генератор режимида ҳам ишлаши мумкин. Умуман А.Д. нинг генератор режимида ишлаши иқтисодий -техник жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, аммо охириги йилларда утқазилган илмий тадқиқотлар асинхрон машиналарнинг генератор сифатида ишлатилишининг бир қатор устунликлари борлигини қурсатди. Хозирги вақтда асинхрон машиналари асосан уч фазали двигателлар сифатида ишла тилади.

Асинхрон двигателлар қўзғалмас статор ва айлантирувчи ротор қисмлардан иборат. Статорда айрим электротехник пулат пластинкалардан ясалган (йигилган) узак урнатилган бўлиб, узагнинг сиртидаги арикчаларга (пазларда) ўчта, фазода 120° - га силжиган ўра малар жойлаштирилади. Бу ўра малар ўзаро юлдузча ёки ўчбўрчаққ усўлида ўланган ўч фазали электр тармоғига қўшилади. Демак, статор қўлғамларининг натижавий магнит майдони айланувчи бўлиб ротор нинг қўлғамларини қесиб ўтади.

А.Д. нинг ротори цилиндр шаклида бажарилиб, унинг ҳам айрим электротехник пулат пластинкаларидан ясалган ўзаги арикчаларида (пазларида) қўлғам жойлаштирилган. А.Д.-лар ротор қўлғами ясалиши жиҳатидан иккига бўлинади. Шўнга мувофиқ ротор қиска туташган А.Д. ёки фаза роторли А.Д. дейилади. Ротор қўлғами изоляцияланмаган мис ёки алюминий магиз таёқча (стерженлар) дан бажарилган бўлиб, бундай А.Д.нинг ротори қиска туташган А.Д. дейилади. (60-а расм). агар ротор қўлғами оддий

мис ёки алюминий симларидан уч фазали килиб бажарилса, бундай А.Д. - фаза роторли А.Д. дейилади. (60-б расм). Бу чулгамлар узаро юлдузча усулида уланиб, махсус мослама воситаси билан, ҳар бир чулгам (фаза) актив кашиликка уланади. Шу мослама орқали ҳар учала фаза қаршиликлари бирданига узгартирилади. Фаза роторли А.Д.лар қисқа туташган роторли А.Д.ларга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Бу афзалликларни кейинчалик формулалар асосида таҳлил қиламиз.

Юқорида 4-5# қуриб чиққан эдик. А.Д.ни ишлаш принципи айланувчи магнит майдондан фойдаланишга асосланган. Статор чулгамларининг натижавий магнит майдон айланиш тезлиги қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$n_0 = \frac{60f}{P}$$

Бу магнит майдон роторнинг чулгамларини кесиб ўтади ва бу чулгамларда ЭЮК демак, берк контур бўлганда ток пайдо бўлади. Ҳар қандай тоқли ўтказгични магнит майдонга киритсак бу ўтказгичга механик қуч таъсир қилади. Шунга биноат роторга таъсир қилувчи айланувчи момент вужудга келади. агар магнит майдон ва ротор биргаликда барабар айланса, бундай айланиш синхрон айланиш дейилади. Асинхрон двигателларда, роторнинг айланиш тезлиги двигателнинг ўқи, (вал)даги иш машинаси яратган тормозловчи моментга боғлиқ. Демак, роторнинг айланиш тезлиги магнит майдон айланиш тезлигидан бир қанча фарқ қилади. Мана шу фарқни характерловчи катталиқ сирпаниш дейилади ва бу катталиқ қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$S = \frac{n_0 - n_1}{n_0}$$

бунда n_0 - магнит майдоннинг айланиш тезлиги

n_1 - роторнинг айланиш тезлиги

двигателни юргизиш пайтида: $n_1 = 0$; $S = 1$

двигателни салт юриш режимида: $n_0 = n_1$; $S = 0$ демак, сирпаниш

$S = 1 \div 0$ гача ўзгаради.

Асхрон двигателнинг роторида хосил буладиган ЭЮК нинг частотаси куйидаги формула асосида аникланади:

$$f_2 = \frac{(n_0 - n_1)P}{60}$$

Бунда: $n_0 - n_1$ магнит майдон ва ротор айланиш тезликларининг айирмаси.

P - жуфт кутблар сони.

Бу формулани ротор айланиш тезлигига купайтириб оламиз:

$$f_2 = \frac{(n_0 - n_1)n_1}{60 \cdot n_1} = \frac{S \cdot f_1}{60} ;$$

$$f_1 = \frac{n_1 P}{60}$$

Бунда: -Демак роторнинг ЭЮК ва токининг частотаси, сирпа-

$$f_2 = f_1 \cdot S'$$

катталиги билан аникланади. Сирпаниш катталиги эса юкорида курга нимиздек двигателнинг механик юкланишига боглик.

Роторда вужудга келадиган ЭЮК электромагнит индукция конунига асосан, трансформаторнинг иккиламчи чулгами ЭЮКга ухшаш формула асосида аникланиши мумкин: $E_2 = 4,44 f_2 W_2 \Phi$

Бунда: $E_2' = 4,44 f_1 W_2 \Phi$ - узгармас катталикдир.

Ушанда: $E_2 = E_2' S$

Демак роторнинг ЭЮК хам сипанишга богликдир.

А.Д.нинг индуктив каршилиги:

$$x_L = \omega_2 L_2 = 2\pi f_2 L_2 = x_2' S'$$

Бунда $x_2' = 2\pi f_1 L$ – узгармас катталикдир.

Шундай килиб, А.Д.нинг роторини характерловчи катталиклар, ЭЮК, частота ва индуктив каршилик сирпанишга богликдир.

Роторнинг токи Ом конунига асосан:

$$I_2 = \frac{E_2}{Z_{рот}} = \frac{E'_2 S}{\sqrt{(R^2 + xS)^2}}$$

Нормал режимда ишлайдиган А.Д.нинг сирпаниши чегарасида булади. Сирпанишни номинал киймати назарга олиниб бу ифодани тахлил киламиз. Двигателни юргизиш пайтида, сирпаниш энг катта кицматга эга. Ротор токи формуласининг хам сурат хам махражида сирпаниш катталиги бор. Лекин суръатдаги сирпаниш, токнинг микдорига, мах раждаги сирпаниш таъсиридан устундир. Шу туфайли, юргизиш пайтида сирпаниш максимал кийматга, уз номинал кийматидан унлаб маротаба катта булганда, ротор токи хам номинал кийматидан 8-12 марта катта булади. А.Д.ни юргизиш пайтида учинчи жараён жуда кам вақт, бир секунднинг унлар хиссасида утса, ротор токи, демак статорнинг токи хам номинал токка нисбатан унлаб маротаба ошади. Бу албатта А.Д.нинг камчилигидир.

Энди А.Д.нинг энергетик диаграммасини ва айланиш моментини куриб чикамиз. А.Д.нинг уч фазали электр тармокдан олаётган жами куввати:

$$P_1 = \sqrt{3} I_L I \cos \varphi_{op}$$

Бу актив кувватнинг бир кисми - двигателнинг пулат узагида кайта магнитланиш ва уюрмавий токлар пайдо киган исрофга сарфланади. Яна бир кисми ΔP_M - статор чулгамининг кизишига сарфланади. (66-расм). Тармокдан олинган кувватнинг коган кисми:

$$P_{эм} = P_1 - (\Delta P_l + \Delta P_m)$$

электромагнит майдон оркали роторга утади ва электромагнит кувват дейилади. Электромагнит кувватнинг бир кисми P - ротор чул гамининг кизишига сарфланиб, колган кисми роторнинг айланишига сарфланади, яъни механик кувватга утади:

$$P_{эм} = P_2 - \Delta P_p$$

Бу ифодада P_2 - механик кувват. Механик кувватнинг бир кисми иш каланишга $\Delta P_{и}$ - исроф булади ва колган $P_{мех}$ кисми фойдали кувват булиб, двигателни уки (валида) айланувчи момент хосил килади:

$$P_{\text{мех}} = P_2 - (\Delta P_p + \Delta P_{\text{и}})$$

Роторга берилган электромагнит кувват:

$$P_{\text{эм}} = M \omega_0$$

Роторнинг механик куввати:

$$P_{\text{мех}} = M \omega_1$$

Бунда: $\omega_0 = \frac{2\pi \cdot n_0}{60}$ - магнит майдоннинг бурчак тезлиги

$\omega_1 = \frac{2\pi \cdot n_1}{60}$ - роторнинг бурчак тезлиги .

Электромагнит ва механик кувватлар формулалари, шунингдек ω_0 ва ω_1 ифодаларидан ротордаги айланиш моменти:

$$M = \frac{60P_{\text{эм}}}{2\pi \cdot \omega_0} = \frac{60P_{\text{мех}}}{2\pi \cdot n_1} = 9550 \frac{P_{\text{эм}}}{n_0} = 9550 \frac{P_{\text{мех}}}{n_1}$$

Ротордаги кувват исрофи: $\Delta P_{\text{рот}} = P_{\text{эм}} - P_{\text{мех}} = M(\omega_0 - \omega_1)$

га барабар булгани туфайли:

$$\Delta P_{\text{рот}} = M\omega_0 S$$

Агар ротордаги кувват исрофи факат чулгамни кизитишга сарфланади деб фараз килсак, бу кувват исрофи куйидагича ёзилиши мумкин:

$$\Delta P_{\text{рот}} = m_1 I_2^2 R_2 = R\omega_0 S'$$

Бунда : - пропорционаллик коэффициентлари.

Ротор токи:

$$I_2 = \frac{E_2 S}{Z_2} = \frac{E_2 S R_2}{Z_2 R_2} = \frac{E_2 S}{R_2} \cos \varphi_2$$

Бунда : $\cos \varphi_2 = \frac{R_2}{Z_2}$ роторнинг Э.Ю.К. ва токи уртасидаги фаза силжиш

бурчагининг $\cos$ функцияси. Демак, роторнинг айланиш моменти:

$$M = \frac{m_1 I_2^2 R_2}{\omega_0 S} = \frac{m_2 E_2 \cos \varphi_2}{\omega_0}$$

Чунки : $\frac{I_2 R_2}{S} = \frac{E_2 S}{R_2} \cos \varphi_2 \frac{R_2}{S} = E_2 \cos \varphi_2$ ва $m_2 = m_1 E_2$

Энди юкорида келтирилган роторнинг Э.Ю.К. формуласини эътибога олсак, роторнинг айланишига моменти куйидагича ёзишимиз мумкин:

$$E_2 = 4,44 f_2 W_2 \Phi \quad \text{ёки} \quad M = K \Phi I_2 \cos \varphi$$

Бунда: $K = \frac{4,44 m W_2 K_2 f_2}{\omega_0}$

узгармас катталиқ. Бу формулалар асосида двигатель айланиш моментининг сирпанишга боғлиқ графигини чиза миз. (67 - расм).

График ва формулаларининг тахлили шуни курсатадики, сирпаниш О - дан критик кийматгача узгарганда А.Д.нинг ишлаши баркарорли бўлиб, сирпаниш критик кийматдан $S = S_{кр}$ узининг максимал кийматигача $S = 1$ узгарганда А.Д. баркарорсиз ишлайди. Двигателнинг энг катта (максимал) киймати критик сирпанишга тугри келади. 66- расм да курсатилган графикга кура двигателни юргизиш пайтида сирпаниш $S = S_{пр}$ бўлиб айланиш моменти номинал кийматдан кам бўлади, яъни $M_{кр} < M_H$

Айланиш моменти номинал моментга барабар бўлганда роторнинг айланиш тезлиги орта боради. $M_H = M$ бўлганда двигателда баркарор режим урнатилади.

Энди А.Д. - роторининг вектор диаграммасини чизамиз . Бу вектор диаграммани магнит оқимдан бошлаш маъкул, чунки магнит майдонинг индукцияси катталиги узгармас бўлиб W_0 тезлик билан айланса ҳам, шу майдонга пропорционал магнит оқим Φ , роторга нисбатан уй йуналишини узгартирмайди. Роторнинг Э.Ю.К. бу оқимга нисбатан - 900 силжиган бўлади (67-расм). Юргизиш пайтида

$\varphi_{210} = \arctg \frac{x_{210}}{R_2}$ - га барабар булиб, узининг энг катта кийматига эга,

чунки $x_{210} = x'_2 S$ Сирпаниш хам юргизиш пайтида узининг максимал киймати эга. Шу сабабли роторнинг токи хам $I_2 = \frac{E_2 S}{Z_2}$ максимал кийматга эга булиб, номинал ток дан 8 - 12 маротиба ошади. Лекин бу токнинг айланиш моменти яратадиган ташкил килувчиси $I_{210} \cos \varphi_{210}$, 68-расмдаги вектор диаграммада кура, катта булмайди. Роторнинг айланиш тезлиги купай ган сари сирпаниш номинал киймати гача камаяди, демак ва роторнинг токи камаяди, лекин бу токнинг айланиш моменти яратадиган ташкил килувчиси купаяди. Шундай килиб, юрги зиш пайтида ротор токи узининг энг катта кийматига эга булса хам, бу ток яратадиган юргизиш моменти Мю айланиш моментининг номинал кийматидан кам. Юкорида, 6-2 § да курсатилган ротор чулгами Э.Ю.К. частотаси тенгламаси, ротор тезлиги n_1 -га нисбатан ечилса, куйидаги фор мула хосил булади:

$$n_2 = n_1(1-S) = \frac{60 f_1}{P}(1-S)$$

Бу формуланинг тахлили шуни курсатадики асинхрон двигател ротор тезлигини узгар тириш учун : а) статор ток(яъни электр тармок нинг) частотасини узгартириш керак. б) роторнинг сирпаниш S- ни узгартириш керак. в) жуфт кутблар сони P- ни узгартириш керак.

Электр тармокнинг частотаси узгармас катталиқдир. Шунинг учун ротор айланиш тезлигини бу йул билан узгартириш учун махсус частота узгартиргичлар кулланилади. Бу усул амалда кам кулланила ди, чунки частота узгартиргичлар кимматга тушади.

Жуфт кутблар сони двигателни лойихалаш пайтида аникланади. Жуфт кутблар сони магнит майдон,демак, роторни хам айланиш тезлигини узгартиради. Куйидаги жадвалда жуфт кутблар сони ва магнит майдоннинг айланиш тезлиги курсатилган:

Жуфт кутблар сони	P	1	2	3	4
Магнит майдоннинг айланиш тезлиги	n_0 $\frac{\text{айл}}{\text{мин}}$	3000	1500	1000	750

Жуфт кутблар сонини факат махсус двигателларда узгартириш мумкин. Роторнинг айланиш тезлигини бу усулда узгартириш факат киска туташтирилган роторли двигателларда кулланилади.

Сирпанишни ротор чулгамининг актив каршилигини узгартириш мумкин. Бу усул фаза роторли двигателларда кулланилади. Фаза ротор ли А.Д.-ларда, роторнинг уччала чулгами хам махсус мосланма воситаси билан актив каршиликларга уланади (65-расм). Актив карши ликларни узгартирганда сирпаниш узгаради, демак роторнинг айланиш тезлиги узгаради.

Юкорида двигателнинг айланиш моменти формуласини чикарган эдик:

$$M = 9550 \frac{P_2}{n_2}$$

Роторнинг айланиш тезлиги узгарганда(камайганда), роторнинг уки (вали) даги кувват узгармаган холда, айланиш моменти узгаради (купаяди). Демак, ротор чулгамига уланган каршиликни узгартирганда айланиш моменти хам узгаради.

Фаза роторли двигателлар асосан кутаргич-ташиш машиналарда кулланилади. Бу двигателларни геометрик улчовлари катта, бошқариши анча мураккаб ва нархи киска туташган роторли двигателларга нисбатан катта булса хам, бир катор афзалликларга эга: а) юргизиш токи, киска туталган роторли двигателларга нисбатан кам; б) юрги зиш моменти катта; в) ротор айланиш тезлигини погонали равишда бошқариш имкониятини тугдиради. Фаза роторли двигателларнинг бу хоссалари айникса кутаргич ташиш машиналарида зарур.

Назорат саволлари.

1. Бир фазали асинхрон двигателлар каерда ишлатилади?
2. Конденсаторли асинхрон двигателлар каерларда кулланилади?
3. Уч фазали асинхрон двигател кандай килиб бир фазали килинади?
4. Фаза регуляторлар нима учун керак?
5. Частота узгартиргичларнинг вазифаси?

Таянч иборалар.

Фаза регулятор, частота узгартиргич, конденсатор, уч фазали мотор.

УЗГАРМАС ТОК МАШИНАЛАРИ ХАКИДА ТУШУНЧА.

Р Е Ж А.

- 1.Узгармас ток машиналарининг ишлаши.
- 2.Узгармас ток машиналарининг тузилиши.
- 3.Узгармас ток машиналарининг ЭЮК.
- 4.Узгармас ток двигателлари.
- 5.Узгармас ток генераторида.
- 6.Махсус узгармас ток машиналарининг.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.А.В.Иванов -Смоленский "Электрические машины", "Энергия",- 1984 год.
- 2.Рахимов Г.Р. " Электр машиналар ва юритмалар", "Укитувчи", 1986 йил.
- 3.Мажидов С.М. "Электрик машиналар ва электрик юритмалар", "Укитувчи". 1979 йил.

Узгармас ток двигателлари хозирги вақтда асосан электр транспортларида - метро, троллейбус, трамвайда кенг кулланилади, чунки барча электр двигателлар орасида факат узгармас ток двига телларини айланиш тезлигини равон, бир текис бошқариш мумкин. Узгармас ток генераторларини кучланиши равон бошқарилади, шу хосса сига мувофик, бу генераторлар автоматика ва телемеханика занжир ларида кенг кулланилади. Узгармас ток машиналари кайтарувчан хос сасига эга. Барча узгармас ток двигателлари генератор режимида ва генераторлар двигатель режимида ишлай олади.

Узгармас ток машинаси (У.Т.М.) (69-расм) учта асосий кисмдан тузилган: машинанинг кузгалмас кисми - индукторда бош кутблар жойлашган

булиб, бу кутбларнинг узаги электротехник пулат тунука симон варақлардан тузилган. Бош кутбларда уйготиш чулгамлари жой лаштирилган булиб, улар кетмакет уланади ва асосий магнит майдон ни яратади. Бош кутблар оралигида ёрдамчи кутблар жойлаштирилади. Ёрдамчи кутблар факат катта қуватли машиналарда булади ва чулкалар остидаги учкунни камайтириш учун қушимча магнит майдон яратади.

Машинанинг айланувчи қисми - якорь дейилади. Якорнинг узаги ҳам электротехник пулат тунукасимон варақлардан цилиндр шаклида тузилган. Якорнинг ариқчаларида чулгам жойлаштирилади. Чулгам айрим секциялардан иборат булиб, чулгам схемасига мувофик кетма-кет уланувчи икки секцияни туташтирадиган учлари коллектор пластинкаларига уланади.

Коллектор алоҳида мис пластинкалардан цилиндр шаклида ясалади. Хар бир коллектор 50-80 та пластинкадан тузилган. Коллектор генераторда механикавий тугрилагич вазифасини бажаради, яъни якорь чулгамларида индукцияланган Э.Ю.К. таъсирида оқаётган узга рувчан синусоидал токни, узгармас токга айлантириб ташки электр занжирга (тармоқга) беради.

Узгармас ток генераторининг ишлаш принципи электромагнит индукция қонунига асосланган. Индукторда жойлашган уйготиш чулгам ларидан узгармас ток утганда, бу ток бир жинсли узгармас магнит майдон ҳосил қилади. Якорь бирламчи машина ёрдамида магнит майдонда айлантирилганда унинг чулгами хар бир секцияларида Э.Ю.К.лар ҳосил булиб, бу Э.Ю.К.лар 1-3 § да курсатганимиздек қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$E = B l v \sin \alpha$$

Бу хар бир секция Э.Ю.К.лари коллектор ва чулкалар орқали бир томонга йуналган пульсацияланувчи ток ҳосил қилади. Секциялар сони, демак коллектордаги пластинкалар сони, қуп булгани туфайли Э.Ю.К.нинг қиймати етарли даражада катта булиб, токнинг пульсаци яланиши пасаяди. Юқоридаги Э.Ю.К. формуласидаги қизигий тезликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$v = 2PR \frac{n}{60}$$

Бунда: $2P$ - кутблар сони

R - кутблар марказлари орасидаги масофа

n - якорнинг айланиш тезлиги

Агар магнит оқимни $\Phi = \frac{B}{R}$ назарда тутсак, якорнинг Э.Ю.К.

$$E = c n \Phi$$

формуласини қуйидагича ёзиш мумкин:

Бунда: $C = \frac{PW}{60 \cdot a}$ - Э.Ю.К.доимийси, яъни конструктив узгармас

катталиқ бўлиб, бунда:

W - якорь чулгамидаги утказгичлар сони.

$2d$ - параллел шохалар сони, бу катталиқ конструктив узгармас сондир.

70-расмда мустақил уйғотишли генераторнинг электр схемаси курсатилган. Статорда жойлашган уйғотиш чулгами (у.ч.) мустақил манбадан ток олади. Якорь бирламчи машина ёрдами билан у.ч. ҳосил қилган магнит майдонда айлантирилади. Якорь токи $I_a = 0$ бўлиб,

яъни якорнинг айланиш тезлиги узгармас бўлганда якорь Э.Ю.К.нинг уйғотиш токига боғлиқлик графиги, $E = f(I)$ мустақил уйғотиш генераторининг салт юриш характеристикаси дейилади. 71-расмда бу характеристика курсатилган. Бу характеристикани шарҳлашдан олдин уйғотиш токи магнит оқимга пропорционаллигини эслатиш керак: яъне $I_b = \Phi$. Энди уйғотиш токи нолдан ошириб борилса, Э.Ю.К. формуласига мувофиқ, салт юриш режими бўлгани учун $U_g = E$, E ошиб боради ва 1 эгри чизик ясалади.

Бу графикнинг тугри чизикли қисми якорнинг узаги туйинмаган ҳолатига, эгри чизикли қисми эса, унинг туйинган ҳолатини билдиради. Уйғотиш токи нолга тенг бўлганда $I_u = 0$, формулага мувофиқ Э.Ю.К. ҳам нолга тенг бўлиши керак. Лекин характеристикада Э.Ю.К. нолга тенг эмас. Бу барча электротехник материалларга хос бўлган, қолдиқ магнит майдон таъсиридир.

6-6 §. Узгармас ток генераторининг тенгламаси

ва айланиш моменти

Генераторнинг якорь занжири учун Кирхгофнинг иккинчи кону нига биноан электр мувозанат тенгламасини ёзамиз:

$$I = E - I_{\text{я}} R_{\text{я}}; \quad E = I_{\text{я}} R_{\text{я}} + I_{\text{я}} R_{\text{и}} = I_{\text{Г}} + I_{\text{я}} R_{\text{я}}$$

Бунда: $I_{\text{Г}} = E_{\text{Г}} - I_{\text{я}} R_{\text{я}}$

Бу тенглама генераторнинг асосий тенгламаси дейилади. Тенгламада $E = c n \Phi$ эканлигини ҳисобга олсак:

$$I_{\text{Г}} = c n \Phi - I_{\text{я}} R_{\text{я}}$$

Агар уйғотиш токининг $I_{\text{У}} = \Phi$, ёки якорнинг айланиш тезлигини раво (силлик) узгартирсак, генераторнинг кучланиши, демак истеъмолчининг токи $I_{\text{и}} = I_{\text{Л}}$ ҳам раво узгартирилади.

Асосий тенгламанинг ҳар икки томонини якорь токига кўпайтурсак:

$$I_{\text{Г}} I_{\text{я}} = E I_{\text{я}} - I_{\text{я}}^2 R_{\text{я}}$$

ёки кувват: $P_{\text{э}} = P_2 - \Delta P_{\text{я}}$

- Бунда: $P_{\text{э}}$ - генераторнинг электромагнит куввати

P_2 - истеъмолчининг куввати

$\Delta P_{\text{я}}$ - якордаги кувват исрофи

Генераторнинг электромагнит моменти:

$$M_{\text{э}} = \frac{P_2}{\omega}$$

Бу момент генераторнинг якордаги бирламанчи машина ҳосил қилган моментга нисбатан тормозловчи моментдир.

Электромагнит кувват, якорнинг Э.Ю.К. формуласини ҳисобга олсак қуйидашга езилади:

$$P_{\text{э}} = E I_{\text{я}} = c n \Phi I_{\text{я}}$$

ушанда: $M_{\text{э}} = \frac{c n}{\omega} \Phi I_{\text{я}} = c_1 \Phi I_{\text{я}}$

Бунда: $C_1 = \frac{cn}{\omega}$ - узгармас катталиқ Демак генераторнинг моменти магнит оқими ва токига пропорционал экан.

Узгармас ток генераторларининг туркумларга булиниши (классификацияси)

Генераторлар уйғотиш усулига биноан икки турга булинади:

1. Уйғотиш чулгами ташки узгармас ток манбаига уланган. Бундай генераторлар мустақил уйғотиш генераторлари дейилади. Юқорида бундай генераторларнинг схемаси ва салт юриш характеристикаларини куриб чиклик.

. Уз-уздан уйғонувчи генераторлар. Генераторлар бу турининг уйғотиш чулгами шу генераторнинг узидан ток олади. Бунда генераторларни уйғотиш учун якорнинг узагидаги колдик магнит май дондан фойдаланадилар.

Уз-уздан уйғонувчи генераторлари 3 хил булади: а) параллель уйғотишли узгармас ток генератори. Бунда уйғотиш чулгами якорга параллел уланади ва параллел уйғотиш чулгами (п.у.ч.) дейилади. Бу чулгамнинг кутблари 72-расмда П1 ва П2 харфлар билан белгиланган. б) кетма- кет уйғотишли узгармас ток генератори. Бунда уйғотиш чулгамли (к.к.у.ч.) якога кетма_ кет уланади ва кетма- кет уйғотиш чулгами дейилади. Бу чулгам (73 - расм) да К1 ва К2 харфлар билан белгиланади. в) аралаш уйғотишли узгармас ток генератори. Бунда генераторнинг иккита уйғотиш чулгами булиб, бири якорга параллел уланади, (74- расм). Бу чулгамлар мос равишда параллел ва кетма -кет уланган уйғотиш чулгами дейилади.

Уз- узидан уйғонувчи генераторларида, якор номинал айланиш тезлик билан колдик магнит оқимини кесиб утганда, якордаги кичик кийматли Э.Ю.К. куч хосил булади . Бу Э.Ю.К. таъсирида уйғотиш чулгамида ток хосил булади ва магнит оқими купаяди. Шундай килиб, уйғотиш токи номинал кийматгача усиб боради. Генератор уз-уздан уйғотиши учун учта шарт бажарилиши керак:

1.Якорнинг узагида колдик магнит майдон булиши керак:

2.Колдик магнит майдоннинг йуналиши, уйготиш токи хосил кил ган магнит оким билан мос келиши керак:

3.Уйготиш чулгамининг каршилиги узининг критик кимматидан кам булиши керак , яъни тугри чизиги салт юриш характеристикасидан (91 - расм) пастда булиши керак.

75 - а расмда мустикал уйготишли - 1: ва параллел уйготишли , генераторларнинг ташки богланиш характеристикаси курсатилган. 75-б расмда эса кетма-кет уйгонишли генераторнинг ташки характеристикаси курсатилган.

Графикдан куруниб турибдики параллел уйготишли генераторларда ток купайган сари, кучланиши пасайиши купрок.

Узгармас ток двигателлари.

Узгармас ток машиналари кайтувчанлик хоссасига эга. Агар узгармас электр тармогига уланган узгармас ток генераторининг куч ланишини аста - секин камайтурсак,машина электр тармокдан электр энергия истеъмол кила бошлайди ва двигатель режимига утади,яъни машинани якордаги айланиш моменти тормозловчи эмас, балки узи электромагнит момент хосил килиб, ташки машинини айлантира бошлайди.

Бу айланиш моменти якорнинг токли утказгичлари ва уйготиш чулгами хосил килган магнит майдоннинг узаро таъсири натижасида хосил булади. Бунда узгармас ток двигателини электр мувозанат тенгламаси куйидагича ёзилади:

$$I = E + I_{я}R_{я}$$

Тенгламада $E = c n \Phi$ эканлигини хисобга олсак

Бунда:
$$n = \frac{I - I_{я}R_{я}}{c\Phi}$$

Агар магнит оками уйготиш токига пропорционаллигини назарда тутсак, бу формуладан якорнинг айланиш тезлигини уйготиш токини узгартириш йули билан раво, бир текис, бошқариш имконияти куруниб турибди.

Асосий ткиглама якори токига нисбатан ечилса, куйидаги ифода хосил булади:

$$I = \frac{I - c n \Phi}{R_{\text{я}}}$$

Двигателни юргизиш пайтида якорнинг айланиш тезлиги $n = 0$ булади, демак якорнинг кучланишига карши йуналган Э.Ю.К $E = c n \Phi$ хам нолга тенг булади. Якори чулгамининг каршилиги жуда кичик $R_{\text{я}} < 1$ ом булгани туфайли, двигатель номинал кучланишли электр тармогига уланганда, якорнинг токи номинал токдан (10-20) маротиба катта булади. Катта ток утиши натижасида якорнинг чулгами куйиб кетиши мумкин, шунинг учун бундай режим шикаст (авария) режими дейила ди, демак бундай режимларга йул куймаслик лозим. Шу сабабли двига телни тармокка уланиш занжирига кушимча каршилик киритилади (76 -расм). Двигатель электр тармокка кушилган пайтда кушимча каршилик энг катта кийматга эга булади, кейинчалик якори кузгалиб, айланиш тезлиги ошиб борган сари якори токи камаяди.

77- расмда параллел уйготишли двигателнинг кушимча каршилик оркали тармокга улаш схемаси курсатилган.

Узгармас ток двигателлари хам генераторлар каби уйготиш усулига биноан мустикал ва уз-уздан уйгонувчи двигателларга булинади. 70- расмда параллел уйготишли двигателнинг характеристикалари курсатилган.

Двигателнинг айланувчи момент формуласи : демак моментнинг токка богланиши тугри чизикдан иборат булади.

Двигательни ФИК:

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} 100 \%$$

Бу ерда: $P_2 = P_1 - \Delta P = I I_C - \Delta P_{\text{СТ}} + \Delta P_{\text{гул}} + \Delta P_{\text{мех}}$

$P_1 = I_0 I_\Gamma$ - двигателнинг электр тармокидан оладиган куввати.

Якорнинг айланиш тезлиги формуласини юкорида тахлил килган эдик.

Н а з о р а т с а в о л л а р и

- 1.Якорли машиналар кандай тузилган?
- 2.Узгармас ток двигателининг асосий тенгламалари?
- 3.Узгармас ток машинаси ЭЮК тенгламасини ёзинг?
- 4.Махсус машиналарнинг вазифаси нима?

Т а я н ч и б о р л а р .

Якор, ярим очик халка,пазсиз якор йитарувчи ва тортувчи моторлар.